



## Тадбиркорликни Ривожлантириш Таълим Туризмни Истиқболли Соҳаси Сифатида

### Аннотация:

Ушбу мақолада тадбиркорликни ривожлантириши орқали таълим туризмни истиқболли соҳага айлантиришнинг асосий йўллари кўрсатиб берилган. Жумладан, таълим туризми хизматлари соҳасида давлат-хусусий шериклигининг мотивацион механизми ва ривожлантириш механизми асослаб берилган.

### Калит сўзлар:

таълим туризми, давлат-хусусий шериклиги, тадбиркорлик субъектлари, хусусий сектор.

### Information about the authors

**М. И. Ибрагимова**  
Катта Ўқитувчи, Самарқанд Иқтисодиёт Ва Сервис  
Институтини

Ўзбекистонда таълим туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш ва уни туризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган туризм турларидан бирига айлантириш бугунги кунда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Таълим туризми соҳасида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан, унинг кенг имкониятларидан таълим туризмидек муҳим ва истиқболли соҳани тараққиётнинг янги босқичларига олиб чиқишда унумли долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда таълим туризми ҳозирги кунда жуда заиф ривожланганлиги ва миллий иқтисодиётни юксалтиришда унда мужассамланган улкан салоҳиятдан тўла фойдаланилмаётганлигини кўрсатди. Бундан мамлакатда туризмнинг ушбу турини ривожлантиришда ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжудлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Келажакда Ўзбекистонда таълим туризмида яшириниб ётган ҳамда ишга туширилиши катта самара бериши муқаррар бўлган ушбу имкониятларни рўёбга чиқаришда, таълим туризмни касбий таълим сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсирини кучайтиришнинг асосий йўллари билан бири - соҳада тадбиркорликни устун ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Таълим туризмнинг тараққий эттиришда салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллар сифатида молиявий ресурслар танқислиги, соҳани ривожлантириш учун зарур ахборотларнинг етарли эмаслиги, соҳада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимининг номукамаллиги, инновацион рақамли технологияларни жорий этилиш даражасининг пастлиги, кластерлаштириш сиёсатининг амалга оширишдаги камчиликларни кўрсатиш мумкин. Халқаро илғор тажриба ушбу муаммоларни ҳал этишнинг ва соҳа таркибидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларидан бири – соҳада давлат - хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш эканлигини кўрсатди.

Таълим туризми соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш механизмларини жорий этиш иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва кичик тадбиркорлар ташаббусини қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Лекин ушбу муҳим вазифани



бажариш таълим туризми соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишнинг методологик ва методик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кишилик жамияти тарихида давлатнинг дастурларини бажаришга хусусий бизнесни жалб этиш амалиёти дастлаб ўтган асрнинг ўрталарида АҚШда бошланган. Ушбу моделни кенг асосда қўллаш 1980 йилларда бошланди. Ўзбекистонда туризм соҳасида давлат ва бизнеснинг ўзаро икки томонга ҳам манфаат берувчи модели мамлакатда “Харакатлар стратегияси” доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида бошланиб кетди. 2019 йилнинг май ойи қабул қилинган “Давлат - хусусий шериклик тўғрисида”<sup>1</sup> махсус қонунининг давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

Ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан давлат - хусусий шериклик давлат, бир томондан, хусусий тадбиркорлик субъекти, иккинчи томондан, муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, қонун билан тартибга солинадиган ва уларнинг ҳар бирига манфаат келтирадиган ҳамкорлик. Ушбу ҳамкорликнинг катта самараси ҳар иккала иштирокчининг ресурсларини ва бошқа имкониятларини бирлаштириш орқали таъминланади. Иқтисодиёт назарияси тили билан айтганда, ресурс ва имкониятлар қўшилиши натижасида қўлам самараси юзага келади. Шериклик асосида олинган натижа қўлам самараси эвазига ҳар бир томон алоҳида - алоҳида оладиган натижалар йиғиндисидан муайян даражада кўп бўлади.

Таълим туризми соҳасида давлат ва ташаббускор хусусий субъект ўртасидаги ўзаро шерикликка асосланган ҳамкорликнинг мақсадга мувофиқчилигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Давлат барча иқтисодий тизимларда, ҳаттоки, бутун мамлакат мулки давлат монополиясига айланган режали иқтисодиётда ҳам ўз мулкини бошқаришни бошқа субъектларга фойдаланиш учун топширган.

Таълим туризми соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларида туризмнинг ушбу турини жадал ривожлантириш, унинг ҳисобидан катта даромад кўриш, таълимнинг янги - янги турларини ташкил этиш, хизматлар сифатини яхшилашга катта қизиқиш мавжуд. Давлатнинг имкониятлари билан хусусий тадбиркорнинг ташаббускорлиги қўшилиши натижасида ушбу тармокни жадал ривожлантириш учун замин яратилади.

Таълим туризми соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам давлат билан ҳамкорликдан икки томонлама манфаат кўради.

Биринчидан, улар айнан таълим туризмни ривожлантириш ҳисобидан жалб этилаётган ресурслар иқтисодий самарадорлигини ва рентабеллик даражасини оширишга эришадилар. Чунки туризмнинг барча бошқа турларига нисбатан таълим туризми хўжалик субъектига юқори даромад келтириш хусусиятига эга. Иккинчидан, имконият ва ресурслар қўшилиши натижасида юзага келган қўлам самараси ҳисобидан ҳар бир сўм сарф-харажатларга тўғри келадиган даромаднинг кўпайиши рўй беради ва бундан корхоналар манфаат кўрадилар.

Давлат ҳам туризм соҳасида айнан таълим туризми субъектлари билан шерикликдан икки ёқлама манфаат кўради. Биринчидан, таълим туризми нафақат туризмнинг, балки бутун миллий иқтисодиётнинг юқори даромад берувчи соҳаси ҳисобланади. Демак, таълим туризмнинг ривожланиши ҳисобидан давлат бюджетига солиқ сифатида келиб тушадиган даромадлар ҳам нисбатан кўпаяди. Иккинчидан, давлат жамият манфаатларини ўзида акс эттирувчи мулк ҳимоячиси сифатида нафақат давлат бюджетига тушадиган солиқлар миқдоридан, балки юқори даромад олувчи ва бозорда ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб борувчи тадбиркорлик субъектларининг даромади кўпайишидан ҳам манфаатдордир. Чунки таълим туризмида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари, уларда меҳнат қилаётган ва бандликда бўлган


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 10 май. // <https://lex.uz>



ходимлар – бу жамиятнинг ажралмас таркибий қисми. Демак, туризм иқтисодиётининг юксалиши ва бунинг натижасида соҳада меҳнат қилаётган ходимлар даромадининг ошишидан ҳам давлат катта манфаат кўради.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ҳам, хусусий секторнинг ташаббускор субъектлари ҳам ушбу шерикликдан катта манфаат кўрадилар. Шу сабабли шерикликни рағбатлантирувчи мотивацион механизмни ишлаб чиқдик (расм 1). Чизмада келтирилган мотивацион механизмнинг таркибий қисмлари ҳар иккала томон учун шериклик натижасида яратиладиган қулайликлар ва ундан оладиган манфаатларни ифодалайди:


Таълим туризми соҳасида давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Бизнинг назаримизда, муҳим йўналишларни белгилаш, унда томонларнинг иштирокини, лойихани бажариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискни ва унинг натижасида олинган самарани тақсимлаш зарур.



**Расм 1. Таълим туризми хизматлари соҳасида давлат-хусусий шериклигининг мотивацион механизми**



Таълим туризмида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини таклиф қилдик (2-расм).



**Расм 2. Таълим туризмида давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг йўналишлари**

Бизнинг назаримизда, расмда акс эттирилган ҳар бир йўналиш бўйича таълим туризминини ташкил этиш ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Демак, таълим туризми соҳасида давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Муҳим йўналишларни белгилаш, унда томонларнинг иштирокини, лойиҳани бажариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган молиявий искни ва унинг натижасида олинган самарани тақсимлаш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Квартальнов В.А., Федорченко В.К. Туризм социальный: история и современность: Учебное пособие. Киев, 1989. – 342 с.
2. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 176 с.
3. De Villé P., F. Martou, V. Vanderberghe. “Cost-Benefit Analysis and Regulatory Issues of Student Mobility in the European Union.” European Journal of Education 31, 1996. – pp. 205-



---

222.

4. Madina, I. (2021). History of the Return of Educational Tourism and its Development. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 2(10), 254-259.
5. Erik H. Cohen. Youth Tourism to Israel: Educational Experiences of the Diaspora. Book. British Library. 2008. – p. 477.